*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

# Ishonch

2021 йил
11 сентябрь
шанба
**№ 117**
**(4557)**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

**Онлайн мулоқот**

## Муҳим масалалар муҳокамаси





**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг навбатдаги мажлиси онлайн тарзда бўлиб ўтди.**

Унда жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш, етиштирилган ҳосилни териб олишга теримчиларни жалб қилиш ҳамда мониторинг ишларини ташкил этиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда уч томонлама комиссия аъзолари, таклиф асосида Халқаро меҳнат ташкилотининг «Учинчи томон мониторинги» вакиллари Йонас Аструп, Оксана Липкану ҳамда мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан иштирок этган Федерация раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев ва бўлим мудири М.Исаев кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳар йили пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик юзасидан Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Касаба уюшмалари томонидан ташкил этиладиган жорий йилги жамоатчилик мониторингида асосий эътибор теримчилар учун яратилган яшаш ва меҳнат шароитларига қаратилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, касаба уюшмалари томонидан пахта-йиғим терими мавсумида амалга ошириладиган ахборот тушунтириш ишлари бошлаб юборилган. Мазкур ишларни ташкил этишда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Учинчи томон мониторинги» лойиҳаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Бу йил ҳам Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан маҳаллий Савдо-саноат палатаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси вакиллари, касаба уюшмалари инспекторларини жалб этган ҳолда пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилиши, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан Миллий мониторинг ўтказилади. Бу жараён сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошланиши ва 31 октябргача давом этиши мўлжалланган.

Яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Яъни, жорий йилда тарихда биринчи марта ХМТ талабларига мос равишда пахта йиғим-терими мавсумида терилган пахта учун ҳақ тўлашнинг минимал миқдори уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тизими орқали, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия розилиги билан белгиланди.

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси йиғилишида «Call-center» фаолияти, республика бўйича ягона «1092» қисқа рақамли Ишонч телефони орқали мурожаатлар билан ишлаш борасидаги масалалар ҳам таҳлил қилинди.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## ТОКИО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVI ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, хусусан, Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришгани, терма жамоамиз сафида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали ва ибратли фаолияти учун:*

1. Қуйидагилар мукофотлансин:

**«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»**
**ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

**Бурханова Сафия Каимовна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Қуранбаев Учқун Умирбекович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Наимова Гулжоной Абдулло қизи** – Таэквондо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Омонов Бобиржон Зоиржон ўғли** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Сайидов Феруз Бешимович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Хамдамова Мохигул Кабаёр қизи** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА**
**ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»**
**ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

**Кароматов Давурхон Фозил ўғли** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Каюмова Нозимахон Номонжоновна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Кузиева Рўза Рашидовна** – Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Қурбанова Нурхон Ғуломжон қизи** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Мирзаёрова Асила Убайдулла қизи** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Норбеков Хусниддин Киличбоевич** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Самандарова Парвина Асад қизи** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА**
**ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**
**ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

**Ибрагимова Алфия Гиласдиновна** – Урганч олимпия захиралари коллежи дзюдо бўйича мураббийси

**Камуля Григорий Георгиевич** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Қўзиев Бобур Собирович** – Таэквондо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

**Норматов Азизжон Муратович** – Енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

**Сайидов Шамсиддин Бешимович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Ташходжаев Мухторхон Махсудович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси

**Хайдаров Мавлонбек Мухторович** – Андижон вилояти Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича мураббийси

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдухоликов Сардор Абдухоликович** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

**Джамалов Адхам Ниматович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Агзамов Билол Хилалович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси илмий-методик таъминлаш ва инновацион ривожлантириш бўлими бошлиғи

**Азизов Абдукаххор Абдухаписович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси Тошкент шаҳар минтақавий бўлими бош котиби

>>> 2

**Ифтихор**



## СИЗНИНГ ҒАЛАБАНГИЗ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАСИ

*Президент Шавкат Мирзиёев*
*Токиода ўтган XVI Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан учрашди.*

Давлатимиз раҳбари спортчиларнинг паралимпия ўйинларида улкан ютуқларни қўлга киритишида аввало ота-оналарининг меҳнати тенгсиз эканини таъкидлаб, уларга чуқур миннатдорлик билдирди. Тадбирда иштирок эта олмаётган спортчилар ва уларнинг ота-оналарига ҳам раҳмат айтиб, уларнинг фидойилиги кўпчилик учун ўрнак эканини таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, паралимпия ўйинларида терма жамоамиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалини қўлга киритди, 160 дан зиёд давлат ўртасида – ўн олтинчи, Осиё қитъаси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида – тўртинчи, Марказий Осиёда эса – биринчи ўринни эгаллади.



### Кун нафаси

Президент **Шавкат Мирзиёев** раислигида 10 сентябрь куни ахборот технологиялари соҳасида салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан тизимли ишлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор **йиғилиши ўтказилди.**

* * *

**«Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»**ги Президент фармони қабул қилинди.

* * *

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан **Маданият вазирлиги тўғрисида низом** тасдиқланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Венгриянинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган **Дюлу Ковачни қабул қилди.**

* * *

**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом**ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

* * *

**Тошкентда** ЕХҲТнинг Марказий Осиё 23-Медиа конференцияси **бўлиб ўтди.**

* * *

Латвия пойтахти Ригада Латвиянинг **«Outdoor Media»** компанияси томонидан асос солинган ўзбек **савдо уйи очилди.**

* * *

**Муқаддам Расулова** Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази директори этиб тайинланди.

* * *

**Ўзбекистон ва Беларусь Республикалари ИИВ Академиялари** ўртасида онлайн видеомулоқот бўлиб ўтди.

* * *

Термиз гарнизонида Мудофаа вазирлигининг Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи офицерлари ўртасида **«Энг илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери»** кўрик-танловининг иккинчи босқичи ўтказилмоқда.

* * *

Татаристондаги фаол юртдошларимизга **«Мустақилликнинг 30 йиллиги»** кўкрак нишони топширилди.

* * *

Бастакорларга **«Меҳнат фахрийси»** кўкрак нишони топширилди.

* * *

**Жиззах шаҳрида** Жиззах вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган **йиғилиши бўлиб ўтди.**

* * *

**Нукуслик ҳунарманд** Пўлат Болтабоев инновация йўли билан **пластик идишлардан бир нечта турдаги супурги** тайёрлашни йўлга қўйди.

* * *

Туркияда чоп этиладиган нуфузли «Business Turk» журнали таҳририяти билан ҳамкорликда мазкур нашрнинг **«Янгидан уйғониш: Ўзбекистон мустақиллигининг 30-йилида»** номли махсус сони чоп этилди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**







Келгуси сонларда ўқинг...

МАЖБУРИЙ ЭМАС, АММО... Сифат ва малака аккредитацияси фаолиятда нечоғли муҳим?

БИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ!

БИР УМР ЁДДА ҚОЛАЖАК

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

# ТОКИО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVI ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

<<< 1

**Бабаян Арсен Каренович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Лутфуллоҳ Хожи ўғли Саъдуллахон** – Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

**Моминджанов Шарипжан Фузаилович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси ўринбосари

**Умирзоқов Фазлиддин Абдулбоқиевич** – Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

**Хорлин Сергей Федорович** – Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Худайберганов Сардор Камилович** – Хоразм вилояти Шовот тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича мураббийси

**Якубов Яхёбек Собиталиевич** – Фарғона олимпия захиралари коллежи енгил атлетика бўйича мураббийси

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Асланов Ислам Даминович** – Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Султонов Элбек Улаш ўғли** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Халилов Шариф Уринович** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Шерипбоева Нафиса Умирбек қизи** – Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек қизи** – Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Амилов Равшанбек Кабилджанович** – Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

**Ахматхонова Дилафрузхон Воккосхоновна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Ахмедов Фаррух Хуршидович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси маънавий-маърифий ва оммавий тадбирларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи

**Ғиязов Темурбек Махамаджон ўғли** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Исақова Зиёдахон Абдуғаффор қизи** – Таэквондо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Исмоилов Шохбоз Исломович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳамкор ташкилотлар ва спорт федерациялари билан ишлаш бўлими бошлиғи

**Касимов Хасан Садуллаевич** – Бухоро шаҳри 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби мураббийси

**Машарипов Шавкат Қўзибоевич** – Хоразм вилояти Боғот тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати мураббийси

**Мирзаева Шахноза Шокир қизи** – Каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Мурадова Маликахон Каримбердиевна** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими бошлиғи

**Ниязов Аброр Абдулазизович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси бош мутахассиси

**Одилов Ёрқинбек Олимбек ўғли** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Ретунский Андрей Витальевич** – Тошкент шаҳри Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича мураббийси

**Рихсимов Мухаммад Шокирович** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Турғунов Иззат Абдурашид ўғли** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Турсунов Нодиржон Ботирович** – Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси шифокори

**Умирзақов Фарход Шерали ўғли** – Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

**Шерқузиев Хайтмурот Бахтиёр ўғли** – Каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

2. Вазирлар Маҳкамаси Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда иловага мувофиқ пул мукофоти берилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 9 сентябрь*

***Наманган вилояти***

**Норинлик Муслимахон Нўъмонова бир неча йиллардан буён ўзи орзу қилиб юрган замонавий ўқув марказини ташкил этди.**

Касаба уюшмалари кўмагида

## МУСЛИМАХОН ОРЗУСИГА ЕТДИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг моддий ёрдами билан ташкил этилган «ОКСФОРД КАМОЛИДДИНОВНА» МЧЖ нодавлат ўқув марказида асосан 4 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўқувчилар таҳсил олмоқда.

Хорижий тилларни ўргатиш, табиий, ижтимоий ва аниқ фанларга йўналтирилган дарсликлар бўйича чуқурлаштирилган асосда таълим бериш ҳамда ўқув марказига келувчиларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган марказда ўз соҳасининг малакали мутахассислари фаолият олиб бормоқда.

Янгидан қад кўтарган марказ биноси икки қаватдан иборат бўлиб, ўқув хоналари барча зарурий ашёлар билан жиҳозланган. Биринчи қаватда эса маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатувчи бир нечта дўконлар иш бошлади.

Муслимахон шу тариқа маҳалладошлари ва малакали ёш мутахассислардан 30 нафарини иш билан таъминлади.

**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»

Таҳлил



## КАСАБА УЮШМАЛАРИ САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИНИНГ СУЯНЧИГА АЙЛАНМОҚДА(МИ?)

**Мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар, тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнларда республикамиздаги энг йирик жамоат ташкилоти – касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.**

Хусусан, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тармоқ тизимида 212 та ташкилот бўлиб, ушбу ташкилотларда меҳнат қилаётган 116 минг 524 нафар ходимни ўз атрофида бирлаштирган. Шу билан бирга, соҳага оид янги ташкил этилаётган муассаса ва ташкилот раҳбарлари билан мулоқот ва музокаралар олиб бориш орқали уларни тармоқ касаба уюшмасига жалб этиш, жамоа шартномаларини имзолаш ва аъзоликка олинган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жамоа шартномаларида белгиланган меъёрлар, ходимлар учун кўзда тутилган имтиёз ва кафолотлар ижросини таъминлаш масаласи тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб, мазкур локал ҳужжат тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу асосда бугунги кунда ходимларнинг ижтимоий ҳимояси билан бирга уларнинг маданий-оммавий ҳордиқ олишларини таъминлаш, пенсия ёшидаги ходимларга пенсияга чиқиши олдидан бир йўла моддий ёрдам кўрсатиш ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш, кам таъминланган ёш оилалар вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, соҳа ходимлари ўртасида туризмни ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида тарихий масканлар ва диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўз бурчи ва қасамига содиқ қолиб, коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасида фидойиликларини намоён этиб келаётган тиббиёт ходимлари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан бўлган ва ёлғиз ўзи фарзанд тарбиялаётган соҳа ходимларига амалий ёрдамлар кўрсатилиб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ушбу тоифадаги ходимларнинг 1400 нафар фарзанди учун янги ўқув йили арафасида «Касаба уюшмалари – болаларга» ижтимоий акцияси ташкил этилиб, уларга ўқув қуроллари ва дарсликлар ҳадя этилди.

– Тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши доимий равишда ҳолимиздан хабар олиб, зарурий ёрдамларни кўрсатиб келмоқда, – дейди академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказининг эндоваскуляр хирургия фарроши Анна Николаенко. – Бу сафар ҳам ана шу ғамхўрликнинг жонли гувоҳига айландик. Фарзандларимиз ўзида йўқ қувонганини айтмайсизми! Бундай рағбатдан кўнгилларимиз кўтарилди.

– Касаба уюшмамиз бизнинг ҳақиқий суянчимизга айланган, – дейди жарроҳлик бўлими ҳамшираси Саида Аҳмедова. – Қачон бирор ёрдамга муҳтож бўлиб қолсак ёки соғломлаштириш борасида зарурат туғилса, дарров кўмакка келишади. Биз билан очиқ мулоқот қилиб, ижтимоий аҳволимиз ўрганилади, нафақат ўзимиз, балки оила аъзоларимиз, фарзандларимиз холидан ҳам хабар олинади. Албатта, бундан бошимиз осмонга етади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан янги ўқув йили арафасида ташкил этилган «Касаба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасида пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, сиҳатгоҳлар ходимларининг фарзандлари ҳам қамраб олинди.

– Олдимизда турган вазифалар кўлами ниҳоятда кенг, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гулноза Тошпўлатова. – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кенгашимиз фаолиятида ҳам тубдан такомиллаштириш ишларини амалга оширдик. Айниқса, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, уларни меҳнат аҳлининг ҳақиқий суянчи бўлишлари йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Пандемия шароитида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси доимо диққат марказимиздадир. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида меҳнат жамоаларида «Уч авлод учрашуви», маданий-маърифий суҳбатлар ташкил этилиб, соҳа ходимлари, айниқса, ёшларга бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда баб-баробар инсон манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва натижалари етказилди. Давра суҳбатларида фахрийларнинг ҳам иштироки таъминланиб, улар бой ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар, бугунги доруломон кунларимизга шукроналар айтилди. Шунингдек, соҳа ходимларининг тарихий шаҳарларга саёҳатларини ташкил этиш, ходимлар ва улар оила аъзоларининг мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, турли спорт тадбирлари ташкил этиб, соғлом турмуш тарзи барқарорлигига эришиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши кўплаб янги ижтимоий лойиҳалар устида изланмоқда. Айниқса, нодавлат тиббиёт муассасаларини тўлиқ касаба уюшма хизмати билан қамраб олиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласига кенг эътибор қаратилмоқда.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

***Хоразм вилояти***

Ижтимоий ҳимоя

## МАНФААТЛАР УЙҒУН БЎЛСА...

**Ишхона – иккинчи уйимиз. Лекин у ҳар бир ходимнинг иккинчи оиласига айланиши учун зарур маънавий-ижтимоий муҳитни шакллантириш ҳам даркор. Бунда эса касаба уюшмаларининг ҳиссаси бениҳоя катта.**

Тасарруфимизда 82 та бошланғич ташкилот, 6701 нафар аъзолар манфаатларини ифодалаш мақсадида барча чора-тадбирларни амалга ошириб келяпмиз. Айниқса, ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, ҳар бир ходим ўзининг эътибор марказида эканлигини ҳис қилса, ишхонасига, жамоасига кўпроқ наф келтиради, ўз вазифасини чин дилдан бажаради.

Энди мисолларга ўтсак. Йилнинг ўтган даврида 12 нафар ходимга пенсияга чиқишидан олдин моддий ёрдам кўрсатилиб, қимматбаҳо совғалар берилди. 18 нафар ходим юбилей саналари муносабати билан тақдирланди. Бундан ташқари, 347 нафар ишлаётган пенсионерларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётир. Кексалик гаштини сураётган устозлар холидан ҳам мунтазам хабар оляпмиз. Ҳар байрамда хонадонларига ташриф буюриб, дил сўзларимизни билдиряпмиз, совғаларимизни тақдим этяпмиз.

Ҳеч бир нарса изсиз кетмайди. Касаба уюшмалари томонидан пенсия ёшидагиларга кўрсатилаётган бундай эътибор ёшларни ҳам руҳлантирмоқда. Улар меҳнат қадр топишига ишонч ҳосил қилганлари учун ҳам ўз вазифаларини аъло даражада адо этмоқдалар.

Фарзанд тарбиялаётган ёш оналаримиз учун жамоа шартномаларида акс этган шартлар тўла бажарилиши назоратга олинган бўлиб, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 14 нафар ёш онага касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 20 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Кам таъминланган ёш оилалар вакилларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг иқтисодий шароитларини яхшилашга, муаммони ҳал қилишга сарфлайдиган вақтини ўз устида ишлаб, жамоага ва оиласига кўпроқ фойда келтиришига эришяпмиз. Йилнинг ўтган даврида касаба уюшмалари томонидан 15190 минг сўм миқдорида моддий кўмак олган 71 та ёш оила эътибордан мамнун эканликларини билдиришди.

Нафақат эҳтиёжманд ходимларни, уларнинг фарзандларини ҳам қўллаб-қувватлаш бурчимиздир. 2 нафар олий ўқув юртида таҳсил олаётган кам таъминланган ва чин етим талабанинг контракт пулларининг бир қисми тўлаб берилгани уларнинг илм олишга бўлган иштиёқини оширди. Бундан ташқари, ёз мавсумида 195 нафар болажон оромгоҳларда соғломлаштирилди. Уларнинг 20 нафарига йўлланмалар бепул ажратилди.

Йилнинг ўтган даврида 80 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қоплаб берилган эди. 2021-2022 ўқув йили бошланиши муносабати билан яна 100 нафар фарзандимизга ўқув қуроллари олиб бердик. «Ҳеч ким назардан четда қолмайди» акцияси доирасида совғаларни болажонларнинг ўзларига топширганимиз уларни янада қувонтирди.

Моддий қўллаб-қувватлаш баробарида, ҳуқуқий билимларни ошириш, муаммоларга ечим топиш юзасидан ҳам кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Мақсадимиз ҳар бир ходим касаба уюшмалари суянч бўлиб турганини қалбан ҳис қилсин, ана шундагина ишда унум бўлади.

**Сафаргул БЕРДИЕВА,**
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

***Жиззах вилояти***

Бунёдкорлик

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ИЖОДКОРЛАРИ УЧУН

**Зомин туманидаги 760 нафар ўқувчига мўлжалланган 25-умумтаълим мактабида инвестиция дастури асосида 5 миллиард сўмлик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. Натижада яна 480 ўринли янги бино қад ростлади. Бундан ташқари 380 ўринга мўлжалланган мактабнинг иккинчи ўқув биноси учун маҳаллий бюджетдан 770 миллион сўм маблағ ажратилди.**

Мактабнинг очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нусратулла Пардаев, Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Ғайрат Қодиров, Зомин тумани ҳокими Алишер Абдуғаниев ҳамда Даштобод шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси вакиллари иштирок этди.

– Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Нусратулла Пардаев. – Ўғил-қизларнинг замонавий билим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, янгидан барпо этилган ушбу мактабда ҳам ўқувчиларнинг билим олиши учун барча қулайликлар яратилган.



Байрам тадбирида мактабнинг иқтидорли ўқувчилари, «Истеъдод» тўгараги аъзолари томонидан она Ватанни улуғловчи шеър, қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
«ISHONCH»

***Қашқадарё вилояти***

Фаолият

## КЎТАРИНКИ РУҲ ВА БИР ОЛАМ ТААССУРОТ

Қашқадарё вилоятида касаба уюшма ташкилотлари томонидан мустақиллик байрами муносабати билан берилган таътил кунларида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши «Янги Ўзбекистон – янги зафарлар» шиори остида волейбол, стол тенниси, армрестлинг ва мини-футбол турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказди. Шунингдек, мактабгача таълим ходимлари ўртасида «Соғлом жамоада соғлом турмуш тарзи» оммавийлик мусобақалари ташкил этилди ҳамда 50 нафар педагог Самарқандга саёҳатга олиб борилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши кам таъминланган педагогларнинг 50 нафар фарзандига ўқув қуроллари топширди.

Деҳқонободлик касаба уюшма фаоллари эса туманнинг олис қишлоқлари Боғичорбоғ ва Белибойлига боришга қарор қилишди ва бу ҳудудлардаги 30 нафар ўқувчига ўқув қуроллари тарқатилди.

Чироқчи туманида 72 нафар нафақага чиққан педагогга эсдалик совғалари топширилган бўлса, Муборакда 30 нафар ногирон ва чин етим ўқувчига дафтар-китоблар олиб берилди. Бундан ташқари, муборaклик спортсевар педагоглар учун мини-футбол турнири ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимоя тадбирлари Косон туманида ҳам ибратли тарзда давом этди. Бу ерда 20 нафар меҳнат фахрийсига озиқ-овқат маҳсулотлари, 100 нафар педагогга эсдалик совғалари, 150 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходим фарзандига ўқув қуроллари тақдим этилди.

Китоб туманида 100 нафар пенсионер ҳолидан хабар олинган бўлса, миришкорлик педагоглар ер юзининг сайқали ҳисобланмиш Самарқандни зиёрат қилишди. Ғузорда 200 нафар илғор педагогга эсдалик совғалари топширилди, 25 нафар ўқувчига мактаб қуроллари олиб берилди. Қарши давлат педагогика университетида ҳам эҳтиёжманд ходимлар фарзандлари эътибордан четда қолмади.

«Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси таътил кунларида ходимларининг Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ҳамда Шаҳрисабз шаҳрига саёҳатини ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилояти судида «Уч авлод учрашуви» уюштирилди.

Мухтасар айтганда, байрам юртдошларимизга кўтаринки руҳ, бир олам таассуротлар ҳамда мароқли ҳордиқ онлари улашгани билан ёдда қоладиган бўлди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

Таҳлил ва таклиф

# Битирувчилар бандлигини таъминлаш талаб даражасидами?

**Статистик маълумотлар бугунги кунда 18-30 ёшлилар орасида ишсизлик 17 фоиз эканини кўрсатмоқда.**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Республика ишчи гуруҳи ушбу муаммони тизимли ҳал этиш ниятида ёшларнинг таклифларини жойларда «маҳаллабай» ўрганмоқда. Шу асно йигит-қизларни касб-ҳунарга ўқитишда, бандлигини таъминлашда, уларга кредитлар ажратишда муайян камчиликлар мавжудлиги аниқланмоқда.**



Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш борасида ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд. Чунончи, аксарият маданият марказлари, истироҳат боғлари ва спорт комплексларининг моддий-техник базаси қониқарсиз, тўгараклар эса хўжакўрсинга ишлаяпти.

Эътироф этиш жоиз, диёримизда сўнгги уч йил мобайнида ёшлардан 841147 нафарининг бандлиги таъминланди, ижтимоий ҳимояга, иқтисодий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож ва ишсиз ҳисобланган 682787 нафари эса «Ёшлар дафтари»га киритилди. Жорий йилнинг 1 мартига қадар улардан 15731 нафари иш билан таъминланди, 3363 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди, 6080 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 11196 нафари тадбиркорларга, 2612 нафари уста-ҳунармандларга бириктирилди. 15680 нафарининг ижтимоий-иқтисодий ва психологик муаммоларига ижобий ечим топилди.

Ҳудудий ва маҳаллий ҳокимликлар қошида эса «Ёшлар дафтари»га киритилган йигит-қизлар муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашувчи «Ёшлар жамғармаси» ташкил этилиб, уларга 113,5 миллиард сўм ажратилди. Ҳозиргача бу маблағларнинг 4,1 миллиард сўми ёшлар манфаатлари учун йўналтирилди. «Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури доирасида 8635 та бизнес-лойиҳага жами 1 триллион 830 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш орқали 42421 та янги иш ўрни яратилди. Ҳудудларда 19 та «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-маркази, 212 та «Yoshlar mehnat guzari» комплекси фойдаланишга топширилиб, 2380 та янги иш ўрни очилди.

> ***Ҳудудий ва маҳаллий ҳокимликлар қошида эса «Ёшлар дафтари»га киритилган йигит-қизлар муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашувчи «Ёшлар жамғармаси» ташкил этилиб, уларга 113,5 МИЛЛИАРД сўм ажратилди. Ҳозиргача бу маблағларнинг 4,1 МИЛЛИАРД сўми ёшлар манфаатлари учун йўналтирилди. «Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури доирасида 8635 ТА бизнес-лойиҳага жами 1 ТРИЛЛИОН 830 МИЛЛИАРД сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш орқали 42421 ТА янги иш ўрни яратилди. Ҳудудларда 19 ТА «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-маркази, 212 ТА «Yoshlar mehnat guzari» комплекси фойдаланишга топширилиб, 2380 ТА янги иш ўрни очилди.***

Шунга қарамай, ҳозир нафақат ўрта маълумотли, балки олий маълумотли ёшлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар етарли. Қўмитамиз томонидан таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга оид ҳолатлар юзасидан олиб борилган ўрганишлар жараёнида бу янглиғ муаммолар атрофлича таҳлил қилинди.

Айни дамда мамлакатимизда 19,1 миллион нафар меҳнат ресурси мавжуд бўлиб, 14,8 миллион нафари иқтисодий фаол аҳоли саналади. Улардан 13,2 миллиони муқим иш жойига эга. Қолганларининг, жумладан, 16-30 ёшдаги 805,2 минг нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш талаб этилади. Афсуски, айрим ҳудудларда бу масалага эътибор ҳамон сустлигича қолмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида Андижон вилоятида атиги 5 мингга яқин ёшлар доимий ишга жойлаштирилган. Аслида эса ҳозир ҳудуддаги саноат корхоналари ва кластерларда 7 мингта доимий вакант иш ўрни мавжуд.

Ишсиз ёшларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, маблағ билан таъминлаш соҳасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, «1+1» дастури доирасида аввал 100 минг нафар ёшни ўқитиб, кейин уларга имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланган эса-да, Савдо-саноат палатасининг қуйи тузилмалари бу ишларни тизимли ташкил этолмаяпти. Шунинг оқибати ўлароқ, уч ой давомида республика бўйича 21 минг нафар ёш тадбиркорликка ўқитилган. Тошкент шаҳрида бор-йўғи 1000 та, Наманган вилоятида 1100 та сертификат берилган. Бухоро вилоятида 216 нафар ёшга касб-ҳунар ва тадбиркорлик бўйича сабоқ берилган, холос. Сурхондарёда эса ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш 30 фоиздан ошмаган. Бу республика миқёсида энг паст кўрсаткичдир.

Юқорида келтирилган далиллардан аён бўляптики, таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Аммо бизда айнан тармоқлар кесимида квалификацион ва олий маълумотли кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжни ўрганиш тизими жорий этилмаган. Олий ўқув юртларига қабул квоталарини белгилаш ва кадрлар тайёрлашда меҳнат бозори талабларига етарлича эътибор қаратилмаётир. Шу боис битирувчиларнинг аксарияти ўз касби бўйича ишламаётир. Қолаверса, «Ёшлар дафтари»га киритилган йигит-қизларнинг 27,9 минг нафари ишсиз битирувчилардир.

Қўмитамиз олиб борган ўрганишлару таҳлиллар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан юритиладиган Ягона миллий меҳнат тизимида корхона ва ташкилотларда кадрларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ жами 116 мингдан ортиқ *(Тошкент шаҳрида 23417 та, Тошкент вилоятида 21449 та, Андижон вилоятида 10634 та, Фарғона вилоятида 9460 та, Самарқанд вилоятида 8644 та, Бухоро вилоятида 8524 та)* бўш иш ўрни қайд этилганини, бироқ бундан ёшларнинг кўпчилиги хабардор эмаслигини кўрсатди. Мавжуд бўш иш ўринлари учун белгиланган маошлар эса катта пул сарфлаб контракт асосида ўқиган битирувчиларни қаноатлантирмайди. Агар аниқ далилларга қарасак, айни пайтларда олий маълумотли бўлиш талаб этиладиган 19177 та бўш иш ўрни учун 1 миллион сўмгача, 26754 та бўш иш ўрни учун 2 миллион сўмгача маош таклиф қилинаяпти.



2020 йил якунларига кўра, мамлакатимизда жами банд бўлганларнинг 82 фоизи ёки 11,1 миллион нафари хусусий секторда меҳнат қилмоқда. Бу эса, тадбиркорлик субъектлари ва олий таълим муассасалари (ОТМ) ўртасида кадрларни мақсадли тайёрлаш, кадрларга буюртма бериш тизимида бевосита тўғридан-тўғри ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини англатади.

Яна бир гап. Давлат грантлари асосида таълим олган битирувчиларни ишга тақсимлаш улар олий ўқув юртини тамомлашларидан бир ой аввал комиссия томонидан амалга оширилади. Лекин тўлов-контракт асосида ўқиганларни иш билан таъминлаш масаласи билан шуғулланиш бўйича аниқ мақсадли чоралар белгиланмаган.

ОТМда давлат гранти асосида таҳсил кўрган битирувчи диплом олиши учун келгусида ўзи ишлайдиган ташкилот-корхонадан уч томонлама (талаба, ОТМ, ишга қабул қилувчи) шартнома олиб келиши талаб этилаётгани мазкур жараёнда кўпинча сохта маълумотлар ортишига сабаб бўлмоқда. Бас, шундай экан, битирувчилар бандлигини таъминлаш масаласида илғор хорижий давлатлар тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун, АҚШ университетларида ташкил этилган Ишга қабул қилиш марказлари битирувчилар ва иш берувчиларни бирлаштиради. Турли тренинг ва семинарлар орқали мунтазам равишда резюмеларни шакллантириш, синовли суҳбатлардан қандай ўтиш юзасидан талабаларда маълум кўникмалар ҳосил қилинади.

Финляндиядаги ҳар бир олий таълим муассасаси таркибида эса, махсус бандлик хизмати бор. Унинг асосий вазифаси меҳнат бозорида мутахассисликларга талабни ўрганишдан ва талабаларни касбий йўналтиришдан иборатдир. Японияда «Умрбод бандлик тизими» деб номланган дастур жорий этилган. Унга мувофиқ, бир киши битта компанияда 55-60 йил узлуксиз ишлаши учун кафолат берилади. Қозоғистонда битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида «Диплом билан қишлоққа» дастури ишлаб чиқилган. Бу лойиҳа таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва спорт, ветеринария йўналишларида таҳсил олган битирувчиларга қўшимча имтиёзлар беради.

> ***Қўмитамиз олиб борган ўрганишлару таҳлиллар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан юритиладиган Ягона миллий меҳнат тизимида корхона ва ташкилотларда кадрларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ жами 116 МИНГДАН ортиқ (Тошкент шаҳрида 23417 ТА, Тошкент вилоятида 21449 ТА, Андижон вилоятида 10634 ТА, Фарғона вилоятида 9460 ТА, Самарқанд вилоятида 8644 ТА, Бухоро вилоятида 8524 ТА) бўш иш ўрни қайд этилганини, бироқ бундан ёшларнинг кўпчилиги хабардор эмаслигини кўрсатди.***

Шу ўринда Ўзбекистонда олий маълумотли кадрлар бандлигини таъминлашдаги айрим масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу борадаги муаммолардан бири иш берувчиларнинг намунавий штат бирликлари замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслигига бориб тақалади. Демак, вазирликлар, қўмиталар, агентликлар, корпорациялар намунавий штат бирликларини таҳлил қилишлари давр талабидир. Энг ажабланарлиси, 2004 йилдан буён фаолиятнинг турли соҳалари бўйича олий маълумотли ижтимоий иш бакалаврлари ва магистрлари тайёрланиб келаётган бўлса-да, ижтимоий ҳимоя муассасалари саналмиш Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларининг, Бандлик марказларининг намунавий штат бирликларида айни йўналишдаги олий маълумотли кадрлар назарда тутилмаган. Ёки айтайлик, сиёсатшунос, социолог каби олий маълумотли кадрлар ҳам тегишли иш берувчиларнинг намунавий штат бирликларига киритилмаган.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги ОТМлар талабалари амалиётини ташкиллаштиришда ҳам тизимли муаммолар мавжуд. Бунга иш берувчи корхона ёки ташкилотларда амалиётни муваффақиятли ўташ учун зарур шарт-шароитлар яратилмагани ҳамда талабалар амалиётига масъул шахсларнинг ўз вазифаларига лоқайдлик билан қарашлари битирувчиларнинг етарли даражада амалий малака ортиришига халақит бераётгани аниқ мисол бўла олади.

Шунингдек, бизда бўш иш ўринларини, уларга тўланадиган иш ҳақларини, эҳтиёж юқори мутахассисликларни реал вақт режимида кўрсатиб турадиган сайтлар ва хизматлар йўлга қўйилмаган. Вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишлар билан банд фуқаролар ҳуқуқлари ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга иш қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимлар билан таъминлаш хизматлари кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам талаблар даражасида эмас.

Шулардан келиб чиқиб, қўмитамиз ташаббуси билан Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашдаги долзарб муаммолар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Келгусида бу сўров якунлари юқори палатанинг ялпи мажлисида муҳокамага қўйилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланиши режалаштирилган.

**«Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси маълум қилади:**

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 21 августдаги № 104-05 (4545) сонида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги 2021 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларининг танлаш юзасидан тендер савдолари № 2021-05-сонли эълондаги Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Миробод массивидаги №392-393-394-395-396-397-398-лотлар бўйича таклифларни топширишнинг охирги муддатида «2021 йил 6 сентябр»гача талабгорлар томонидан тендер таклифларини ўз вақтида тайёрлай олмагани сабабли таклифларни топшириш муддатини узайтириш тўғрисидаги мурожаатига асосан Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги ушбу лотлар бўйича таклифларни топширишнинг охирги муддати «2021 йил 13 сентябр»гача узайтирилганини маълум қиламиз.

Таклифларни топшириш соатлари (11:00) эълонда кўрсатилганидек ўзгаришсиз қолади.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 211-умумий ўрта таълим мактаби (собиқ 120-мактаб) томонидан 2001 йилда Пикулин Максим Александрович номига берилган шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 86-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Хусанов Шахзодхон Фурқат ўғли номига берилган UM №1165298 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Эълонлар!

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига «Қува пахта тозалаш» АЖнинг 07.09.2021 йил кунги №06/124-сонли буюртма хатига асосан қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилмоқда:

**1-ЛОТ.** Ёзёвон тумани, Хонобод қишлоғида жойлашган «Хонобод пахта ғарамлаш маскани» бино-иншоотларининг бир қисми. Умумий ер майдони – 6126,50 кв.м., режа бўйича: 0028-литерда қоровулхона, 0029-литерда бетон девор бир қисми (180 метр), 0034-литерда асфальт майдонининг бир қисми – қурилиш эгаллаган майдони 6031,32 кв.м. Бошланғич баҳоси – 68 591 000 (олтмиш саккиз миллион беш юз тўқсон бир минг) сўм.

**2-ЛОТ.** Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғида жойлашган «Қоратепа пахта ғарамлаш маскани» бино-иншоотлари бир қисми. Умумий ер майдони – 194,18 кв.м., режа бўйича: 0001-литердаги маъмурий бинонинг бир қисми – қурилиш эгаллаган майдони 140,98 кв. м. Бошланғич баҳоси – 55 887 000 (эллик беш миллион саккиз юз саксон етти минг) сўм.

**3-ЛОТ.** Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғида жойлашган «Қоратепа пахта ғарамлаш маскани» бино-иншоотлари бир қисми. Умумий ер майдони – 310,00 кв.м., режа бўйича: 0004-литердаги – чойхона биноси, 0005-литердаги чойхона айвони. Бошланғич баҳоси – 53 905 000 (эллик уч миллион тўққиз юз беш минг) сўм.

**4-ЛОТ.** Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғида жойлашган «Қоратепа пахта ғарамлаш маскани» бино-иншоотлари бир қисми. Умумий ер майдони – 296,46 кв.м., режа бўйича: 0012-литердаги – материаллар омбори бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 52 054 000 (эллик икки миллион эллик тўрт минг) сўм.

**5-ЛОТ.** Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғида жойлашган «Қоратепа пахта ғарамлаш маскани» бино-иншоотлари бир қисми. Умумий ер майдони – 4250,00 кв.м., режа бўйича: 0018-литердаги пахта сақлаш бостирмаси, 0030-литердаги темир бетон девор бир қисми, 0034-литердаги асфальт майдон бир қисми. Бошланғич баҳоси – 119 713 000 (бир юз ўн тўққиз миллион етти юз ўн уч минг) сўм.

**Аукцион савдолари 2021 йилнинг 12 октябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Аукционда қатнашиш учун буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Буюртмалар қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 9 октябрь соат 16:00.

**Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг қуйидаги ҳисобрақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123. «Трастбанк» ХАТБ Фарғона филиали, СТИР: 303179580.

**Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона. **Телефон:** (99895)402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

**Лицензия RR-0225.**

## «Агросаноат мулк маркази» МЧЖ Қорақалпоғистон филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тегишли, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т.Қайипбергенов кўчаси, 25-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. «Ваз-21310» русумли автомашина, давлат рақами 95/690 КАА, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 3 004 000 сўм.

2. «Нексия» русумли автомашина, давлат рақами 95/447 КАА, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 3 196 000 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 9 ва 15 октябрь кунлари соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 09:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Ариза қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 8 ва 14 октябрь кунлари соат 18:00 гача қабул қилинади.

**Савдода иштирок этиш учун** ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Агросаноат мулк маркази» МЧЖ Қорақалпоғистон филиалининг ҳисобрақамига (АТБ «Турон банк»нинг Нукус филиали, ҳ/р: 2020 8000 2049 7049 8001, МФО: 00585, СТИР: 207 145 085) тўлашлари шарт.

**Ариза қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-а уй. **Тел.:** (91) 300 26 75. (93) 367 77 25.

**Хизматлар лицензияланган.**

Эҳтиёт – шарт!

**Айни куз фаслида аҳоли томонидан дарахтлардан тўкилаётган баргларни йиғиш, ташиш ишлари кўпчиликни ташвишга солади. Шундай дамларда тўпланган хазон ва чиқитларни ёқиб юбориш ҳолатлари ҳам кузатилади.**

# ЁНАЁТГАН ХАЗОН...

Келинг, шу ўринда ёнган хазоннинг нечоғлик зарарли эканини статистик маълумотлар орқали таҳлил қилиб кўрайлик. Бир тонна хазон ёқилганда, атмосферага 30 кг. углерод оксиди ажралиб чиқади. Бундан ташқари, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказувчи бошқа моддалар, яъни олтингугурт ангидриди, қурум, азот оксиди ва мураккаб таркибли органик бирикмалар – диоксинлар ҳам ташланади. Хазондан чиқаётган тутун атмосфера таркибидаги кислород миқдорини камайтиради. Айниқса, чала ёнган хазон ўзидан заҳарли газ чиқаради.

Мутахассислар фикрича, зарарли моддаларга тўйинган ҳаводан нафас олган кишининг нафас йўллари, кўзи ҳамда марказий асаб тизими шикастланади. Шу билан бирга, организмда ўпка саратони, бронхиал астма каби хавфли касалликлар келиб чиқиши хавфи ортади. Хазонни ёқишдан келиб чиқадиган зарарли тутун, айниқса, болалар, юрак-қон томир нафас олиш йўллари хасталикларига чалинган ҳамда аллергияси бор инсонларга кўпроқ салбий таъсир этади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари барчани огоҳликка чорлайди. Зеро эл осойишталиги ва саломатлигини таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир.

**Миразиз ТОИРОВ,**
**Саидаъло УБАЙДУЛЛАЕВ,**
Президент Администрацияси ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш 1-бўлинмаси мутахассислари

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши бухгалтери, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тафтиш комиссияси аъзоси

**Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси Назокат Қўзибоевага акаси

**Раҳмонжон МАТКАРИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Муносабат

## Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик:

# МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Бугун Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигида янги саҳифа очилмоқда, асрий қардошлик туйғуси янада чуқурлашмоқда.

Буни Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 16 июлда Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам яққол кўрдик.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё ва умуман дунёда инсоният бугуни ва истиқболи билан боғлиқ бўлган ўнта масалага алоҳида эътибор қаратди. Бу таклифлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ маъқулланди.

Конференцияда Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳамон ҳал этилмай келаётганига алоҳида урғу берилди, минтақада яшаётган миллионлаб кишиларнинг соғлигига, аҳоли генофондига зиён етказаётган мураккаб экологик муаммоларга эътибор қаратилди. Айниқса, Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатлари, трансчегаравий сув ресурсларининг ифлосланиши ва атроф-муҳитнинг заҳарланиши – Марказий Осиёнинг фаровонлиги ва барқарор тараққий этишига монелик кўрсатаётгани йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон ўз қўшниларига нисбатан очиқ, яхши қўшничилик, дўстлик ва хайрихоҳлик принципларига асосланган сиёсат олиб бормоқда. Бунда мамлакат минтақадаги барча долзарб масалаларни ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда ҳал этиш тарафдоридир.

Айтиш жоизки, минтақадаги геоиқтисодий шарт-шароитлар ҳам аста-секин ўзгармоқда. Охирги юз йилликда биринчи марта минтақа давлатлари учун шарқий ва жанубий стратегик йўналишда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. Чунки Афғонистондан ўтадиган транспорт йўлаги нафақат катта иқтисодий наф келтиради, балки янги ташқи сиёсий имкониятларни ҳам туғдиради. Шу тариқа Марказий Осиё муқобил йўналишни танлаш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг ривожланган транспорт тармоғидан бошқа мамлакатлар ҳам юкларни транзит қилиш учун янада фаолроқ фойдаланмоқдалар. Бу ҳам халқаро муносабатлар соҳасида минтақа мамлакатлари мавқеининг ўсишига кўмаклашади.

Ана шу тарзда Марказий Осиё мамлакатлари тарихий бирлигининг янги даври тобора кенг имкониятларни юзага келтирмоқда. Бунда бугун жаҳон саҳнига Янги Ўзбекистон номи ила бўйлаётган Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни ва мавқеи борлигини дунё афкор оммаси алоҳида эътироф этмоқда.

**Нодирабегим ҚУРБОНОВА,**
Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

Касаба уюшмаси аралашгач...

# ҚОНУНГА СУЯНГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Меҳнат ҳуқуқи, ходим манфаати қонунларимизда устуворлик касб этади. Хусусан, уларга мувофиқ, меҳнатга оид низоли вазиятларни ҳал этишда касаба уюшмаларининг иштироки, фикри ва розилиги олиниши шарт. Аммо айрим иш берувчилар бундай масалалар ечимида ижтимоий шерикчилик тамойилларига зид иш тутмоқда.

Яқинда «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамияти ходимлари М.Д, У.М. ва Н.З.лар касаба уюшмаларига мурожаат билан чиқишди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида маъмурият буйруғи Меҳнат кодексининг 101- ва 102-моддасига зидлиги аниқланди.

Касаба уюшмаларининг ходимларни ишга тиклаш, уларга қонун талаблари даражасида конпенсация тўлаб беришга доир талаби бажарилмади. Бу йўналишдаги қонун бузилишини музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони ҳам бўлмади.

Шундан сўнг фуқаролар манфаатини кўзлаб, судга мурожаат қилинди. Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди масалани одилона кўриб чиқди. Судда маъмурият ходимларни вазиятдан ўз вақтида огоҳлантирмагани, меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида уларнинг ёзма розилигини ҳамда касаба уюшмалари розилигини олмагани исботини топди.

Даъво аризаси тўла қаноатлантирилиб, ходимлар ишга тикланди ҳамда «Uzbekistan Airports» АЖдан фуқаролар фойдасига қирқ уч миллион сўм миқдоридаги компенсация ундириб берилди.

Халқимизда қонунга суянган қоқилмайди, дейишади. Юқоридагига ўхшаш ҳолат юз бермаслиги учун белгиланган тартибга риоя этишимиз шартлигини унутмайлик.

**Гўзаля РЗАЕВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш шўъба мудири

Таҳлил ва таққос



# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА МУҲТОЖ(МИ?)

**Кўнгил билан илғанган жайдари хулосамга кўра, бир неча ўн йил илгари жамиятда мактаб ва ўқитувчининг обрў-эътибори тушиб кетган эди. Албатта, бунинг объектив сабаблари бор: қоғозбозлик, муаллимнинг текин ишлайдиган мардикорга айлангани, бюрократизм, ойлик маошнинг камлиги, таълим масалаларига ёндашувда бирёқламаликнинг кучлилиги. Боз устига, олий таълимга киришда тамагирлик урчиганди. Кеч бўлса-да, ёғоч ўрнига қамишдан тўсин қўйилса, бир кун келиб, «том қулаши»ни англадик.**

**Охирги уч-тўрт йилдирки, кириш имтиҳонлари шаффофликка асосланяпти, ўқитувчи обрўси тикланяпти, қоғозбозлик ҳаминқадар чекланди ва иқтисодий аҳвол ҳам яхшиланиш арафасида. Аммо миллий таълим тизимидаги вазият яхшиланиб кетгани йўқ. Ечимини излаётган муаммолари ҳам кам эмас...**

**Миллий таълим тизими ҳақида гап кетса, кўпинча немис ёки япон таълим тизимини мисол қиламиз. Масалан, японлар иккинчи жаҳон уруши вайроналаридан, миллий-оммавий таназзул давридан қисқа муддатда чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Бунга таълим фалсафасининг бош ғоясида ўқитувчига императорнинг обрўси, бош вазирнинг ойлиги, дипломатнинг дахлсизлигини бериш амалиёти ётгани сабаб бўлган дейишади...**

**Хўш, таълим тизими фалсафасининг бош ғоясига нималар асос бўляпти?**

### ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРАВЕРАМИЗМИ?

Шўродан қолган «ҳамма тенг» ақидасидан бугун том маънода ҳамма соҳада воз кечдик. Аммо... Ҳамма гап ушбу аммо замиридаги муаммода. Таълим тизимимизда ушбу ақидага муносиб иш кўришдан четлаша олганимизча йўқ. Бошқа соҳаларда амал қилаётган «беш қўл баробар эмас» ақидаси таълим тизимимизда йўқлиги бизни доимо ўйлантириб келган...

Ёшларга мажбурий ўрта таълим, яъни ўн бир йиллик бепул таълим олиш ҳуқуқининг берилиши кўплаб давлатларнинг таълим тизимига бегона. Сабаби эса оддий: ушбу йўл қийин ва серхаражат. Бизда эса ушбу тизимнинг ишлаб келаётгани ёшларнинг илм олишга бўлган эҳтиёжини тамомила қондириш ва ёшлар келажагига бўлган эътибор юқори даражага кўтарилганидан далолат беради. Бироқ бундай қулайликдан фойдаланишда ўзи бўларчиликлар йўқми? Ўн бир йил бепул, мажбурий таълимда ўқиши шарт дегани етти ёшида мактабга чиққан бола ўн бир йилдан сўнг, албатта, шаҳодатнома олиши керак дегани эмас-ку? Бу – бизни ўйлантираётган биринчи мулоҳаза. Ахир бепул таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланмай, тараллабедод қилиб юрган ёки бугуноқ фойда келтирадиган ишлар билан машғул бўлишни афзал биладиганларга нега баҳо қўйилиши-ю, шаҳодатнома берилиши керак? Ахир қўйилаётган баҳо, ўн биринчи синфни битираётганда бериладиган шаҳодатнома ёки аттестат ўқув режадаги дастурда белгиланган вазифаларни «аъло», «яхши», «қониқарли» даражада бажарилганига гувоҳлик тарзда берилмайдими? Демак, ёппасига шаҳодатнома бериш амалиётини қайтадан кўриб чиқиш зарур. Чунки мактаб томонидан бериладиган шаҳодатномаларнинг бугун заррача қадри қолмаган. Ушбу ҳужжат бир парча қоғоз эмас, балки ёшларнинг ҳаётида зарур ҳужжат эканини амалда ўз тасдиғини топмоғи лозим. Қачонгача пинакни бузмай, ёлғон гувоҳлик бераверамиз?

***Японияда ўрта мактабдан кейинги таълим, яъни ўрта махсус таълим мажбурий эмас. Аммо статистик маълумотларга қараганда, аҳолининг қарийб 98 фоизи коллежларда ўқишни давом эттиради.***

Шу ўринда, япон халқини маърифатни севишга, илмни қадрлашга ундайдиган қадрият қаерда бола онгига сингишига эътиборингизни қаратмоқчиман. Япон халқининг яқин тарихига назар солинса, 19-асрда «Мейдзи инқилоби» туфайли модернизация даври, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қайта тикланиш ҳаракатлари муваффақиятли кечганининг гувоҳи бўласиз. Бу жараён япон халқининг тарихида «япон мўъжизаси» деб ном олган. Мутахассисларнинг фикрича, бунга японлар ривожланишда ёшлар онгини ҳар томонлама бойитишга, «японча миллий руҳ»да тарбиялашга урғу берганликлари сабаб бўлган. Яна шунга амин бўлдимки, японлар умр мазмунини илмда деб ҳисоблашар экан. Болаларни боғчага қабул қилишда ёш доирасининг жуда пастлиги аҳамиятли. Чунки мактабгача таълим тизими икки босқичга бўлинган. Биринчи босқичда чақалоқларни 6 ойлик давридан қабул қилишади. Бундан кутилган натижа эса аниқ. Яъни ота-она ўқиш ёки бирон соҳада олиб бораётган ишини ташлаб, бола тарбиясида бир ёки икки йил қолиб кетишни хоҳламайди. Бу давр ичида улар атрофидагилардан анча орқада қолиши турган гап. Болалар боғча таълимини тугатиб, мактабга қабул қилингандан кейин болага янги кўчат эктириб, то мактабдаги ўқишини битургунга қадар парвариш қилиш вазифаси юкланади. Қизиғи, парвариш таътил вақтида ҳам давом этади. Японияда таҳсил олаётган дўстларимнинг айтишича, япон мактабларида деярли ошхона ва фаррош хизмати мавжуд эмас. Овқатланиш арзимас тўлов эвазига махсус ташкил этилади. Бунда танаввул қилинаётган маҳсулотнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берилади. Мактабни тозалаш ишларини ҳам ўқувчилар бажаришади. Бу орқали болани кичиклигидан покизаликка, буюмларни асраб-авайлашга ва болалар ўртасида бир-бирига қайишиш, гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Японияда ўрта мактабдан кейинги таълим, яъни ўрта махсус таълим мажбурий эмас. Аммо статистик маълумотларга қараганда, аҳолининг қарийб 98 фоизи коллежларда ўқишни давом эттиради.

Япон алифбосининг уч тури мавжуд. 1-синфдан болаларга анча содда ҳисобланган Хирогана тури ўргатилади. Маълум даражада савод чиқарилганидан кейин миллий ва қадимий тури бўлган Канжига ўтилади. Шунингдек, Канжи тури тахминан 20 мингдан зиёд. Бу жиҳатдан Хитой иероглифлари билан бир турга кириши мумкин, аммо талаффузида фарқланишлар бор. Бадиий адабиёт, газета мутолаасига 5 мингга яқин Канжини ўқий билиш лозим. Асосан,чет тилидан кириб келган сўзлар ва турли халқаро корхона номларини ёзишда улар алифбосининг Катакана туридан фойдаланади. Шу ўринда, бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни Хирогана қолган икки турнинг ўрнини боса олса-да, Канжидан воз кечилмаган. Сабаби – бирон-бир ўқувчининг билим даражаси баҳоланса, албатта, Канжини билиш даражаси инобатга олинади. Япон зиёлиларининг фикрича, боланинг билим даражасини билиш борасидаги энг тўғри йўл шу. Биз боланинг билим даражасини билишда қандай йўл тутамиз?

***Ота-оналарнинг ўқитувчилар хусусида «Вазифаси бўлгандан кейин, ўқитади-да» каби гаплари кўнглимни тирнайди беихтиёр. Сабаби, бугун «таълимни демократлаштириш» урф бўляпти. Қирқ беш минут давомида устозининг айтганларига қулоқ солмай ўқитувчининг асабини бузишдан бошқа ишга ярамаётганларга чора кўриш керак бўлганда, «бола кўнглига йўл топиш керак» дея муносабат билдиришимиз адолатданми?***

### «БОЛА ЎҚИМАСА, ЎҚИТУВЧИ АЙБДОР...»

Таълим лаёқатсизлик ва боқимандаликни кечирмайди. Чунки бу иллатларнинг оммавий тус олиши соҳа ривожи учун салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий тармоқларда таълим тизимини муҳокама қилиш бугуннинг мавзусига айланди-қолди. Ушбу соҳа ҳақида гап кетса, асосан тизимдаги камчиликлар, ўқитувчиларнинг ишлари тафтиш қилинади. Аммо таълим жараёнининг иккинчи субъекти – ўқувчилар хусусида умуман гапимиз йўқ. Мактабда саккизинчи синфда ўқирдим. Бир шўх синфдош ўртоғимиз бўлар эди. Дадаси туман халқ таълими бўлимида қандайдир лавозимда ишларди. Дарс кунларининг бирида ўша ўртоғим математика ўқитувчимиз билан гап талашиб қолди. Ҳаммаси кўз очиб юмгунча юз берди. Дарсини беҳурмат қилиб, турли бемаза қилиқларни қилаётган ўртоғимизни устозимиз бир огоҳлантирди, икки огоҳлантирди, аммо фойдаси бўлмади. Устозимиз уни дарсдан чиқариб юборди. Энди кейинги воқеаларга эътибор беринг. Синфдошим ота-онасига «фалончи устоз дарсидан ҳайдаб чиқарди» деб борибди. Ота-онаси ҳам сўраб-суриштирмай, ҳамма гапни мактаб директорига етказибди. Директор эса устозимизга «ариза ёзиш»ни буюрибди. Ўқитувчи нима бўлганига тушуниб-тушунмай, ариза ёзишга мажбур бўлган...

Шу-шу, устозимизни қайтиб кўрмадик. Ўрнига янги ўқитувчи келди. Аммо ўша шўх синфдошимиз шўхлигини бошқа устозларга ҳам ўтказиб, мактабни битирди. Мактабга олган билими билан на олий ўқув юртига кира олди, на бирон касб эгаллади.

Ота-оналарнинг ўқитувчилар хусусида «Вазифаси бўлгандан кейин, ўқитади-да» каби гаплари кўнглимни тирнайди беихтиёр. Сабаби, бугун «таълимни демократлаштириш» урф бўляпти. Қирқ беш минут давомида устозининг айтганларига қулоқ солмай ўқитувчининг асабини бузишдан бошқа ишга ярамаётганларга чора кўриш керак бўлганда, «бола кўнглига йўл топиш керак» дея муносабат билдиришимиз адолатданми?

### «МАКТАБЛАРНИНГ ОБРЎЙИ ВА МАҚОМИНИ КЎТАРИШИМИЗ КЕРАК»

Яқинда «Фейсбук» ижтимоий тармоғи фойдаланувчиларидан бирининг ёзганига кўзим тушди. Унинг битиклари мақоланинг хулосаси бўла қолсин. Зеро, унинг сўзларида оддий ва энг муҳим ҳақиқат яширин:

«Бир куни мен япониялик ҳамкасбим Ямамотадан бу ерда ўқитувчилар байрами қачон ва қандай нишонланишини сўрадим. У менинг саволимдан таажжубланганича, «Бизда ҳеч қандай ўқитувчилар байрами йўқ», деб жавоб берди.

Менда бир савол пайдо бўлди: Иқтисодиёт, фан ва техника ривожланган мамлакатда нега ўқитувчига, унинг меҳнатига бу таҳлит қарайдилар?

Ишдан кейин Ямамота уйига меҳмонга таклиф қилди. У мактабдан узоқда яшагани учун метрода кетдик. Кечки тиғиз пайт эмасми, вагонлар тўла эди.

Мен шу тиқилинчда тутқичдан ушлаб кетаётгандим. Кутилмаганда, ёнимда ўтирган қария менга жой берди. Бунинг сабабини тушунмай, унинг таклифини қабул қилмадим. Бироқ у қатъий туриб олгани учун ўтиришга мажбур бўлдим. Метродан чиққач, Ямамотадан оқсоқолнинг ҳаракати учун изоҳ сўрадим. Ямамота кулиб, менинг ўқитувчилик нишонимни кўрсатиб, деди:

– Бу қария ўқитувчилик белгингни кўриб қолди ва ҳурмат юзасидан сенга жой берди.

Ямамотанинг уйига биринчи марта меҳмонга кетаётганим учун қуруқ қўл билан бориш ноқулай бўлди ва совға олишга қарор қилдим. Ямамотага ниятимни айтдим. У мени қўллаб-қувватлади ва яқин орада ўқитувчилар учун дўкон борлигини, у ердан имтиёзли нархларда нарса сотиб олиш мумкинлигини айтди.

Мен яна ҳайратимни яширолмай сўрадим:

– Имтиёзлар фақат ўқитувчилар учунми?

Ямамота менинг сўзларимни тасдиқлаб, шундай деди:

– Японияда ўқитувчи – энг ҳурматли касб эгаси! Япон тадбиркорлари дўконига ўқитувчи кирса, жуда хурсанд бўлади, буни ўзи учун катта шараф деб билади.

Японияда бўлган вақтимда японлар ўқитувчиларни чексиз ҳурмат қилишига бир неча бор гувоҳ бўлдим. Метрода улар учун алоҳида жойлар бор, улар учун алоҳида дўконлар очилган, ўқитувчилар ҳар қандай транспорт воситасига чипта олиш учун навбатда турмайди. Шундай экан, япон ўқитувчиларига бир кунни байрам қилишнинг нима кераги бор, қачонки уларнинг ҳар куни байрам бўлса?..»

**Мурођжон РАҲМАТОВ**

**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ**
*(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ**
*(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ**
*(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК**

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** — (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти** — (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
С. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳиҳ:**
Д. Худойберганова

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **22:55**
Топширилди – **23:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 906.** **27567** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130